

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

ОРИПОВ ЖАСУРБЕК ИКРОМЖОН ЎҒЛИ

**ТАБИИЙ ИПАК ИПЛАРИНИ ТЎҚИШГА ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническом наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Орипов Жасурбек Икромжон ўғли Табиий ипак ипларини тўқишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш.....	3
Орипов Жасурбек Икромжон угли Совершенствование технологии подготовки нитей натурального шелка к ткачеству.....	23
Oripov Jasurbek Improving the technology of preparing natural silk threads for weaving.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

ОРИПОВ ЖАСУРБЕК ИКРОМЖОН ЎҒЛИ

**ТАБИИЙ ИПАК ИПЛАРИНИ ТЎҚИШГА ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т1460 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника ва Наманган муҳандислик технология институтларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институтида ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Валиев Гулам Набиджанович
техника фанлари доктори, к.и.х

Расмий оппонентлар:

Жуманиязов Қадам Жуманиязович
техника фанлари доктори, профессор

Алиева Дилбар Ганиевна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.30.05.2018.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “20” август соат 09⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой, 7-уй. Тел. (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-кават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 468 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07).

Диссертация автореферати 2022 йил “06” август куни тарқатилди.
(2022 йил “06” августдаги 74-рақамли реестр баённомаси).

Р.М.Мурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Х.Т.Бобожанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, техника фанлари доктори, доцент

Қ.М.Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда табиий ипак толасидан тайёрланган ипларни сифат кўрсаткичларини ошириш, ипак толасини қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш, бўяш ва тўқувчиликка тайёрлаш ҳамда ресурстежамкор технологияларни қўллаб сифатли ипак тўқималарини ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жаҳонда миқёсида ишлаб чиқарилаётган ипакнинг 60 фоизи Хитой ва Ҳиндистоннинг ҳиссасига тўғри келмоқда¹. Шу жиҳатдан давлатларда замонавий техника ва технологияларни самарадорлигини янада оширишда табиий ипак ипларини тўқувчиликка тайёрлаш такомиллаштирилган технологиясини яратиш, замонавий талабларга мувофиқ технологик машина ва дастгоҳларни модернизация қилиш ва ресурс тежамкор жиҳозларда юқори тезлик билан хом ашёни қайта ишлаш технологиялари ва янги усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида ип ва тўқима ишлаб чиқаришнинг ҳар хил тезликларини, турли ҳарорат ва шароитда ишлов бериш меъёрларини, турли тайёрлов ишларини талаб қилувчи табиий ва сунъий ипларнинг қилма-хил турларидан кенг ассортиментда матоларни ишлаб чиқариш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича комплекс илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, табиий ипак ипларини тўқишга тайёрлаш технологиясини ва жиҳозларини такомиллаштириш, технологик жараёнларни автоматлаштириш, дастгоҳнинг иш унумдорлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда ипакчилик саноатининг техника, технологияларини ривожлантириш ва соҳага янги инновацион технологияларни жорий этиш орқали ресурстежамкор, рақобатбардош ҳамда экспортбоп маҳсулотларнинг янги турларини яратишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² вазифалари белгилаб берилган. Шу сабабли, қимматбаҳо табиий ипакдан тўқиладиган ипак креп тўқималарининг сифатини ошириш, ассортиментини кенгайтириш, истеъмол хусусиятлари яхшилаш учун табиий ипак ипларини тўқишга тайёрлашга таъсир этувчи асосий омиллардан хом ипакни қайта ўраш, ипларни қўшиш ва пишитиш технологик жараёнларини рационал пареметрларини яратиш ҳамда унумли фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир

¹www.ru.wikisource.org/wiki, www.optim-consult.com/analytics/6.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Президентининг 2022 йил 21-январьдаги ПФ-53-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқотлар республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хозирги кунда жаҳон тўқимачилик олимлари томонидан тўқимачилик техника ва технологияларини ривожлантириш, табиий ипак ипларидан тўқиладиган тўқималар технологиясини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Шу жумладан, табиий ипак ипларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, тўқималар хусусиятларини тадқиқ қилиш, янги технологияларни яратиш, ипларни тўқишга тайёрлашнинг технологик жараёнига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш, ҳам ипак ипларини қайта ўраш, қўшиш ва пишитиш технологик жараёнларини тадқиқ этиш билан хорижда А. Gogoi, A.N. Hazarika (Япония), Rajashree Phukon, Nabanita Gogoi (Бразилия), O.Celik, Ratindra Nat, R. Eren, Halfaoui R., Rajkumar Govindaraju, Y.Mesuda, M.Maqsood, Nawab, Ya.Shaker (Ҳиндистон), Kh.Grekov, B.A.Гордеев, B.A.Усенко, Г.Н. Кукин, Е.Д. Ефремов, С.Д.Николаев, Н.Г.Новинков, А.Д.Дамянов, О.С.Кутепов, В.П.Склянный, А.А. Мартынова, П.В.Власов, Н.А.Кулида, О.Д.Балтаян, П.Н.Рудовский, А.Ф.Плеханов, А.И.Панин, Э.Б.Рубинов (Россия), А.Б.Ишматов (Тожикистон) ҳамда бошқа олимлар шуғулланишган.

Республикада табиий ипак ипларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, тўқима турлари ва уларни ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича ҳамда ипларни тўқишга тайёрлаш технологик жараёнлари параметрларини оптималлаштириш бўйича юртимиз олимларидан Х.А.Алимова, Қ.Ж.Жуманиязов, Э.Ш.Алимбаев, М.М.Мухамедов, А.Д.Даминов, А.Э.Ғуломов, Ж.А.Ахмедов, П.С.Сиддиқов, С.А.Хамраева, О.А.Ахунбабаев, Г.Н.Валиев, Б.Х.Баймуратов, Д.Н.Қодирова, А.Ю.Рахимов, С.С.Рахимходжаев, Д.Ғ.Алиева ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида тўқимачилик саноатида ҳам ипакдан тайёрланган танда ипларини тўқишга тайёрлаш жараёни кутилган самарадорликни бермаётганлиги ва бунинг оқибатида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши бу жараённинг етарли даражада чуқур ўрганилмаганлигини кўрсатади. Шунингдек, табиий ипакдан крепдешин

тўқималарини ишлаб чиқаришда, тўқув ипини тандалаш жараёнидан аввал шакллантириш асосида, табиий ипак танда ипларини тўқишга тайёрлаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти ва Фарғона политехника институти илмий-тадқиқот режалари бўйича Ф-А-2018-002 «Табиий ипакдан янги турдаги тўқималар ва уларни ишлаб чиқаришда такомиллаштирилган ресурстежамкор технологиясини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади крепдешин тўқималарини ишлаб чиқаришда табиий ипак ипларини тўқишга тайёрлашнинг такомиллаштирилган технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

табиий ипакдан крепдешин тўқималари ишлаб чиқаришда тўқув ипини шаклланишини тадқиқ қилиш, унинг камчиликларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича йўналишда илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлилий тадқиқ қилиш;

бурам берилмаган ва оз бурам бериб кўшилган табиий ипак танда ипларининг физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш, тўқув иплари узилишининг физикавий моҳиятини аниқлаш ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилиш;

бурам берилмаган ва кам бурам берилган табиий ипак ипларининг ишқаланишга чидамлилигини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар олиб бориш ва улар натижасида ипларнинг технологик жиҳатдан афзаллигини аниқлаш;

табиий ипакдан олинган ўрам зичлигини назарий тадқиқ қилиш, ўрам зичлигини пишитув ўрамининг ўқи бўйлаб тақсимланишини ифодаловчи формула ишлаб чиқиш, унинг асосида арқоқ иплари ўрамининг сифатини ошириш бўйича техник ечимлар ва уларни тўқишга тайёрлаш ресурстежамкор технологиясини яратиш;

табиий ипак танда ипларининг узилиш кучи ва кўп даврли чўзилиш деформацияга чидамлилиги бўйича кўп омилли регрессия тенгламаларини олиш, табиий ипак ипларини тўқишга тайёрлаш жараёнининг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида крепдешин тўқималари ишлаб чиқарилишидаги табиий ипак танда иплари ва уларни тўқишга тайёрлаш технологияси олинган.

Тадқиқот предмети сифатида крепдешин тўқималари ишлаб чиқарилишида тўқув ипи шаклланиши, табиий ипак, танда ипларининг физик-механик хусусиятлари, табиий ипак ипларини тўқишга тайёрлаш технологик жараёнининг параметрлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар жараёнида эмперик ва назарий тенгламалар, математик статистика усуллари, таҳлил ва синтез усуллари,

эксприментларни математик режалаштириш усуллари, ўлчаш ва назорат қилиш усуллари ҳамда электрон ҳисоблашнинг дастурий таъминотларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

табиий ипакдан крепдешин тўқималарини ишлаб чиқаришда, тўқув ипини тандалаш жараёнидан аввал шакллантириш орқали танда ипларини тўқишга тайёрлашни такомиллаштирилган технологияси яратилган ҳамда қўшиш-пишитиш ва тандалаш жараёнларининг технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

мураккаб пишитилган табиий ипак тўқув ипларини чўзиш деформацияси жараёнининг биринчи босқичида 2 қават қилиб қўшиб уларга 300, 400 ва ундан ортиқ бурам бериб, иккинчи босқичда уларни 2 тасини қўшиб 200 бурам бериб пишитилганда тўқув ипини ташкил қилувчи якка иплар бир вақтнинг ўзида узилиши аниқланган;

табиий ипакдан янги икки босқичли усулда пишитиб олинган кам бурам берилган тўқув ипларини ишқаланишдаги емирилишга ва узилишга чидамлилиги юқори бўлиши аниқланган;

табиий ипак танда ипларини икки босқичли усулда бурам бериб қўшганда уларнинг узилиш кучи ва кўп даврли чўзилиш деформацияга чидамлилигини ошиши аниқланган ҳамда тўлиқ омилли тажрибалар асосида адекват регрессион математик модели олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

табиий ипакдан крепдешин тўқималарини ишлаб чиқаришда, тўқув ипини тандалаш жараёнидан аввал шакллантириш ҳисобига табиий ипак танда ипларини тўқишга тайёрлаш ресурстежамкор технологияси яратилган ва рационал параметрлари ишлаб чиқилган;

табиий ипак креп тўқималарини ишлаб чиқаришда, ўрама нуқсонларини ва хомашё чиқиндисини камайишини таминлайдиган арқоқ ипларини тўқишга тайёрлаш ресурстежамкор технологияси яратилган;

табиий ипак крепдешин тўқималарини ишлаб чиқаришда тўқувчилик танда ипларига бурам беришнинг рационал қиймати аниқланган;

табиий ипак танда ипларига бурам берилганда уларнинг узилиш кучи ошиши асосланган, бунда, ипнинг пишиқлиги 2,33 текс 4 қават оддий пишитилган (2,33 текс х 4) ипларда ўртача 291,88 сН ни ташкил қилиб пишитилмаган ипларга нисбатан 13,87 % ошиши, 2,33 текс 4 қават мураккаб пишитилган ($\{(2,33 \times 2)Z \times 2\}S200$) ипларда ўртача 271,93 сН ни ташкил қилиб – 6,09 % ошиши аниқланган;

табиий ипак ипларига кам бурам берилганда уларнинг ишқаланишдаги тугун ҳосил бўлишига чидамлилиги ошиши асосланган, 2,33 текс 4 қават мураккаб пишитилган ($\{(2,33 \times 2)Z \times 2\}S200$) ипларда ип тўлиқ узилгунга қадар ўртача 1009 та ишқаланиш цикллари ташкил қилиб умуман тугун ҳосил бўлмаган ва оддий пишитилган ипларга нисбатан уларнинг афзаллиги исботланган;

ипларга бурам берилганида иплар ва бурамлар сони қанча кўп бўлса ипнинг кўп даврли чўзилиш деформацияга чидамлилиги шунча юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг мослиги, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлиги, шунингдек, натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлили билан ҳамда ўтказилган тажрибалар хатоси 5% дан ортмаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий ипакдан крепдешин тўқималарини ишлаб чиқаришда тўқувчилик танда ипларининг узилиш кучи, узилишдаги узайиш ва улар бўйича оғиш коэффициентларининг, кўп даврли чўзилиш деформациясига, ишқаланишда емирилишига ва узилишга чидамлилигининг бурамлар сонига боғлиқлик қонуниятлари аниқланганлиги, гардиш ёнида қиялаб ўраганда ўрам зичлигини пишитув ўрамининг ўқи бўйлаб тақсимланишини назарий боғлиқлиги олинганлиги, табиий ипак танда ипларининг узилиш кучи ва кўп даврли чўзилиш деформацияга чидамлилигининг кўп омилли регрессион математик модели олинганлиги, табиий ипак танда ва арқоқ ипларини тўқишга тайёрлаш ресурстежамкор технологияси яратилганлиги ва рационал параметрларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти крепдешин тўқималарини ишлаб чиқаришда танда ипларига бурам беришни, тўқув ипини тандалаш жараёнидан аввал шакллантириш ҳисобига табиий ипак танда ипларини тўқишга тайёрлашни, ўрам нуқсонларини ва хомашё чиқиндисини камайишини тامينлайдиган арқоқ ипларини тўқишга тайёрлашни ресурстежамкор технологияси яратилганлиги ҳамда рационал параметрлари ишлаб чиқилганлиги ҳисобига унумдорлигини ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий ипак ипларини тўқишга тайёрлаш ресурстежамкор технологиясини яратиш ҳисобига олинган илмий натижалар асосида:

тўқув ипини тандалаш жараёнидан аввал шакллантириш асосида яратилган табиий ипак танда ипларини тўқишга тайёрлаш такомиллаштирилган технологияси янги технологик тизим ва параметрлар шаклида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси тасарруфидаги Марғилон шаҳридаги «Шарқ ипаги дурдонаси» маъсулияти чекланган жамиятининг ипларни тўқишга тайёрлаш цехида (2 та кўшиб-эшув ва 1 та пилталаб тандалаш машинасида) жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2022 йил 2 мартдаги № 1-1/356 сонли маълумотномаси). Натижада тандалаш жараёнида ипларнинг узулиши 26 % га, хомашё чиқиндилари 24,9 % га камайишига, тандалаш машинаси унумдорлиги 4,18 мартага ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та ҳалқаро ва 5 та Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан, 2 таси ҳорижий ва 4 таси Республика журналларида нашр этилган. Шунингдек, 1 та ихтирога патент ҳамда 1 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Табиий ипакдан крeп тўқималари ишлаб чиқаришда ипларни тўқишга тайёрлаш технологиясига бағишланган ишлар таҳлили»** деб номланган биринчи бобида республикамизда ишлаб чиқарилаётган ипак тўқималарининг турларини кенгайтириш, сифат кўрсаткичлари ва истеъмол хусусиятларини яхшилаш мақсадида, уларнинг тузилиши, ишлаб чиқариш технологиялари, тўқималарнинг ассортименти, уларга таъсир этувчи омилларни яъни ипларни тўқишга тайёрлаш технологик жараёнига аҳамиятли таъсир этувчи ипларни қайта ўраш, қўшиш ва пишитиш ҳамда механик хусусиятларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари ва адабиётлар таҳлил этилган.


Диссертациянинг **«Табиий ипак крeп тўқималари ишлаб чиқаришда ипларни тўқишга тайёрлаш технологияси ва уларни хусусиятларини тадқиқи»** деб номланган иккинчи бобида табиий ипак крeп тўқималари ишлаб чиқаришда ипларни тўқишга тайёрлаш технологияси ва уларни хусусиятларини тадқиқоти келтирилган.

Крeпдешин тўқималари ишлаб чиқаришда танда иплари сифатида тандалаш жараёнида қўшилган бурам берилмаган иплар (бир нечта ҳом ипак иплари тандалаш жараёнида тиг ёрдамида қўшиб бирлаштирилади) ва оддий бурам берилган табиий ипак иплари қўлланилади.


Бурам берилмаган 2,33 текс х 2 ва 2,33 текс х 4 ҳамда 100 – 600 кам бурам берилган 2,33 текс х 2 ва 2,33 текс х 4 табиий ипак ипларининг ярим даврли чўзилиш деформациясига чидамлилиги бўйича олинган натижалар таҳлили

шуни кўрсатдики, ипларга бурам берилганда уларнинг узилиш кучи ошади, пишитилган ипни ташкил қилуви якка иплар сони қанча кўп бўлса ипнинг пишиқлиги шунча юқори бўлади. Бунда, ипнинг пишиқлиги 2,33 текс х 2 қават оддий пишитилган ипларда ўртача 129,86 сН ни ташкил қилиб пишитилмаган ипларга нисбатан 7,04 % ошди, 2,33 текс х 4 қават ипларда ўртача 291,88 сН ни ташкил қилиб – 13,87 % ошди.


1-расмда мавжуд технология бўйича тандалаш жараёнида тиғдан ўтказишда шакллантирилган табиий ипак 2,33 текс х 4 қават пишитилмаган тўқув ипларининг узилиш диаграммаси, 2- расмда ушбу ипларининг умумлаштирилган узилиш диаграммаси, 3 ва 4-расмларда табиий ипак 2,33 текс х 2 қават ва 2,33 текс х 4 қават оддий пишитилган ипларнинг узилиш диаграммалари келтирилган.




1-расм. Тандалаш жараёнида шакллантирилган табиий ипак 2,33 текс х 4 қават тўқув ипларининг узилиш диаграммаси



2-расм. Пишитилмаган табиий ипак 2,33 текс х 4 қават тўқув ипларининг умумлаштирилган узилиш диаграммаси



3-расм. Табиий ипак (2,33x2) Z500 оддий пишитилган ипларнинг узилиш диаграммаси



4-расм. Табиий ипак (2,33x4) Z100 оддий пишитилган ипларнинг узилиш диаграммаси

2,33 текс х4 қават пишитилмаган тўқув ипларининг узилиш диаграммасидаги (1- расм) 2- ҳолатни таҳлил қилиб такидлаш мумкинки, тўқув ипларни ташкил қилувчи 4 та ипдан алоҳида 1 та якка ип узилгандан кейин, узилиш кучи битта якка ипнинг узилиш кучи миқдорида камаяди, сўнг қолган

3 та ипнинг ҳисобига ўсишни давом эттириб 230-235 сН гача ошади ва бунда 13 % гача узайиб қолган 3 та ип узилади.

Кўп учраган 3- ҳолатда, аввалига, тўқув ипларни ташкил қилувчи 4 та ипдан алоҳида 1 та якка ип узилгандан кейин, узилиш кучи битта якка ипнинг узилиш кучи миқдорида камаяди, кейин қолган 3 та ипнинг ҳисобига ўсишни давом эттириб маълум бир миқдорга ошади ва ип маълум бир миқдорга узаяди, сўнг тўқув ипларни ташкил қилувчи 4 та ипдан иккинчи якка ип узилгандан кейин, узилиш кучи шунингдек битта якка ипнинг узилиш кучи миқдорида камаяди, сўнг қолган 2 та ипнинг ҳисобига ўсишни давом эттириб маълум бир миқдорга ошади ва бунда маълум бир миқдорга узайиб қолган 2 та ип узилади.

Шундай қилиб, мавжуд технология бўйича олинган 2,33 текс х 4 қават пишитилмаган тўқув ипларининг узилишида асосан 2 - ва 3 - ҳолат кузатилиши аниқланди ва бу ҳолат ушбу ипларнинг умумлаштирилган узилиш диаграммасида намоён бўлди (2- расм).


2,33 текс х 2 қават пишитилган тўқув ипларининг узилиш диаграммаларини таҳлил қилиб аниқландики, иплар 2 қават қилиб кам бурам бериб пишитилганида, иплар узилишида жуда кам миқдорда (1-2%) 1- ва 2- ҳолатларни кузатиш мумкин, асосан 4- ҳолат кузатилади (3- расм), яни бир вақтнинг ўзида якка ва тўқув иплар узилади, шунингдек бунда аввалига тўқув ипларни ташкил қилувчи 2та ипдан алоҳида 1та якка ип узилади, сўнг бирданига катта юкламага бардош бера олмасдан қолган иккинчи ип узилади.

2,33 текс х 4 қават пишитилган тўқув ипларининг узилиш диаграммаларини таҳлил қилиб аниқландики, иплар 4 қават қилиб 100 бур/метр бериб пишитилганида, иплар узилишида маълум бир миқдорда 2- ва 3- ҳолатларни, кўпроқ 4- ҳолатни (4- расм), яъни бир вақтнинг ўзида якка ва тўқув иплар узилишини кузатиш мумкин, ипга 200-400 бур/метр берилганида маълум бир миқдорда 2- ҳолатни, кўпроқ 4- ҳолатни, кузатиш мумкин, ипга 500-600 бур/метр берилганида асосан 4- ҳолат кузатилади, яъни бир вақтнинг ўзида якка ва тўқув иплар узилади, ва бу ҳолатлар ушбу ипларнинг умумлаштирилган узилиш диаграммаларида намоён бўлди.


Кам бурам берилган табиий ипак танда ипларининг ярим даврли чўзилиш деформациясига чидамлилиги бўйича олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, ипларга бурам берилганда уларнинг узилиш кучи ошади (5, 6 - расм).

Бунда, ипнинг пишиқлиги 2,33 текс 4 қават оддий пишитилган (2,33 текс х 4) иплардаўртача 291,88 сН ни ташкил қилиб пишитилмаган ипларга нисбатан 13,87 % ошди, 2,33 текс 4 қават мураккаб пишитилган ($\{(2,33 \times 2)Z \times 2\}S200$) ипларда ўртача 271,93 сН ни ташкил қилиб – 6,09 % ошди.

Янги технология бўйича олинган 2,33 текс 4 қават мураккаб пишитилган ($\{(2,33 \times 2)Z \times 2\}S200$) тўқув ипларининг узилишида, биринчи босқичда ипларни 2 қават қилиб 100 бур/метр бериб, иккинчи босқичда уларни 2 тасини кўшиб 4 қават қилиб 200 бур/метр бериб пишитилганида, иплар узилишида маълум бир миқдорда 2 - ва 3 - ҳолатларни, кўпроқ 4 - ҳолатни, яъни бир вақтнинг ўзида якка ва тўқув иплар узилишини кузатиш мумкин.




5 - расм. Пишитилган табиий ипак ипларининг узилиш кучининг бурамлар сонига боғлиқлиги




6 - расм. Пишитилган табиий ипак ипларининг узилиш кучи бўйича оғиш коэффициентининг бурамлар сонига боғлиқлиги

Биринчи босқичда ипларни 2 қават қилиб 200 бур/метр бериб, иккинчи босқичда уларни 2 тасини қўшиб 4 қават қилиб 200 бур/метр бериб пишитилганида маълум бир миқдорда 2- ҳолатни, кўпроқ 4- ҳолатни кузатиш мумкин, биринчи босқичда ипларга 300, 400 бур/метр ва ундан ортиқ бурам берилганида асосан 4- ҳолат кузатилади (7 - расм), яъни якка ва тўқув иплари бир вақтнинг ўзида узилади ва бу қўшилган ипларнинг мужассамлигини кўрсатади.



{(2,33x2)Z300x2}S 200




{(2,33x2)Z400x2}S 200

7 - расм. Табиий ипак 2,33 текс 4 қават мураккаб пишитилган ((2,33x2)Zx2}S200) тўқув ипларининг умумлаштирилган узилиш диаграммаси


Диссертациянинг «Табиий ипак танда ипларини физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи боби табиий ипак танда ипларини физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилишга бағишланган. Унда табиий ипак танда ипларини бир даврли деформацияга ва ишқланишга таъсири бўйича тадқиқотлар келтирилган.

Ип деформацияларини аниқлашда намуналар олинди, классик услубда уларнинг деформацияси аниқланди ва графиклар чизилди (8, 9-расм). Бир қават ҳом ипакнинг кўрсаткичлари икки қават пишитилган ипларга нисбатан (8-расмда) биринчи 3 соатдаги чўзилиш жараёни ва қайтишдаги 3 соатда пастроқ ва охири натижалар устма уст тушган.

Тажирибалар Дюплан лаборатория жиҳозида ўтказилган, бурам берилмаган 2,33 текс ва 2,33 текс х 4 қават, ҳамда 100 – 600 бур/метр кам бурам берилган 2,33 текс х 2 қават ва 2,33 текс х 4 қават оддий пишитилган ва 2,33 текс 4 қават икки босқичли мураккаб пишитилган ($\{(2,33 \times 2)Z \times 2\}S200$) табиий ипак ипларининг 10 расмда келтирилган ишқаланиш жараёни динамикасида иплар тузилишида содир бўлган ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ишқаланиш жараёнида ипларда аввалига уларни ташкил қилувчи элементар толалар ва якка иплар узагидан ажралиб ип парчаланаяди (10- расм 200 та ишқаланиш цикллари) ва ишқаланиш давомида бу элементар толалар ва якка иплар узилади.



8-расм. 2,33x1 ва (2,33x2)Z намуналарнинг бир даврли деформацияси



9-расм. 2,33x4 ва ((2,33x2)Z200x2)S200 намуналарнинг бир даврли деформацияси

Кейинчалик, узилган элементар толалар ва якка иплар ишқаланиш жараёнида ипнинг ўзаги бўйлаб сидирилиб, чигалиб, тугун ҳосил қилади (10- расм). Сўнг ишқаланиш давомида қолган толалар ва иплар узилиши оқибатида иплар тўлиқ узилади.


11,12 - расмларда табиий ипак ипларининг ишқаланишда парчланишга ва узилишга чидамлилигининг бурамлар сонига боғлиқлиги келтирилган. Кам бурам берилган табиий ипак танда ипларининг ишқаланишда парчланишга чидамлилиги бўйича олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики (11- расм), ипларга бурам берилганда уларнинг ишқаланишдаги парчланишга чидамлилиги ошади, пишитилган ипни ташкил қилувчи якка иплар сони қанча кўп бўлса ипнинг парчланишга чидамлилиги шунча юқори бўлади. Бунда, ипнинг парчланишга чидамлилиги пишитилмаган ипларга нисбатан, 2,33 текс 4 қават мураккаб пишитилган ($\{(2,33 \times 2)Z \times 2\}S200$) ипларда ўртача 593 та ишқаланиш цикллари ташкил қилиб 2,55 мартага ошди, 2,33 текс х 4 қават оддий пишитилган ипларга нисбатан 62,02 % га юқори бўлиб, уларнинг афзаллиги намоён бўлди.

Шунингдек, кам бурам берилган табиий ипак танда ипларининг ишқаланишда узилишга чидамлилиги бўйича олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики (12- расм), ипларга бурам берилганда уларнинг ишқаланишдаги узилишга чидамлилиги ошади, пишитилган ипни ташкил қилувчи якка иплар сони қанча кўп бўлса ипнинг узилишга чидамлилиги шунча юқори бўлади. Бунда, ипнинг узилишга чидамлилиги оддий 2,33 текс 1 қават ипларга


нисбатан, 2,33 текс 4 қават мураккаб пишитилган ($\{(2,33 \times 2)Z \times 2\}S200$) ипларда ўртача 1009 та ишқаланиш цикллари таъкил қилиб оддий 2,33 текс 1 қават ипларга нисбатан 2,21 мартага ошди, 2,33 текс х 4 қават бурам берилмасдан қўшилган ипларга нисбатан – 25,34 % га ошди, 2,33 текс х 4 қават оддий пишитилган ипларга нисбатан 12,61 % га юқори бўлиб, уларнинг афзаллиги намоён бўлди.

Ип тури ва циклар сони	Ипларнинг жиҳоздаги кўриниши	Ипларнинг микроскопдаги кўриниши	Тўрт қават мураккаб пишитилган иплар ($\{(2,33 \times 2)Z \times 2\}S200$)	
			Ишқаланиш циклари сони	Микроскопдаги кўриниш
2,33x1 400			0	
2,33x4 200			600	
(2,33x2) Z400 500			1000	
(2,33x4) Z600 700			1037	Ипларнинг узилиши

10- расм. Ишқаланиш жараёни динамикасида табиий ипак ипи тузилишидаги ўзгаришлар




11-расм. Пишитилган табиий ипак ипларининг ишқаланишда емирилишга чидамлилигининг буралар сонига боғлиқлиги




12- расм. Пишитилган табиий ипак ипларининг ишқаланишда узилишга чидамлилигининг буралар сонига боғлиқлиги

Кам бурам берилган табиий ипак танда ипларининг ишқаланишда тугун ҳосил бўлишига чидамлилиги бўйича олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики (13- расм), ипларга бурам берилганда уларнинг ишқаланишдаги тугун ҳосил бўлишига чидамлилиги ошади. Бунда, бурам берилмаган 2,33 текс ва 2,33 текс х 4 қават ипларда ўртача 366 – 533 та ишқаланиш циклларида, ҳамда 100 – 600 бур/метр кам бурам берилган 2,33 текс х 2 қават ва 2,33 текс х 4 қават оддий пишитилган ипларда ўртача 553 – 626 та ишқаланиш циклларида тугун ҳосил бўлиши кузатилди, 2,33 текс 4 қават мураккаб пишитилган $\{(2,33 \times 2)Z \times 2\}S200$ ипларда эса ип тўлиқ узилгунга қадар ўртача 1009 та ишқаланиш цикллари ташкил қилиб, умуман тугун ҳосил бўлмади ва оддий пишитилган ипларга нисбатан уларнинг афзаллиги яққол намоён бўлди. Айтиб ўтиш жоизки, ипларнинг бу хусусияти, танда иплари сифатида бир қанча яққа ипларни қўшиб тўқув ипи шакллантириладиган, крепдешин тўқималари ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга.

Кам бурам берилган табиий ипак танда ипларининг кўп даврли чўзилиш деформациясига чидамлилиги бўйича олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики (14- расм), иплар қўшилганда ва уларга бурам берилганда уларнинг чидамлилиги ошади. Бунда, ипнинг кўп даврли чўзилиш деформациясига чидамлилиги бурам берилмаган 2,33 текс х 2 қават ва 2,33 текс х 4 қават қилиб қўшилган ипларда ўртача 6336 та ва 8991 та цикллари ташкил қилиб 2,33 текс яққа ипларга нисбатан мос равишда 2,51 ва 3,56 мартага ошди, 100 – 600 бур/метр кам бурам берилган 2,33 текс х 2 қават ва 2,33 текс х 4 қават оддий пишитилган ипларда ўртача 7245 та ва 14708 та цикллари ташкил қилиб бурам берилмаган 2,33 текс х 2 қават ва 2,33 текс х 4 қават қилиб қўшилган ипларга нисбатан мос равишда 14,35 ва 63,59 % га ошди, 2,33 текс 4 қават мураккаб пишитилган $\{(2,33 \times 2)Z \times 2\}S200$ ипларда эса ўртача 23312 та цикллари ташкил қилиб бурам берилмаган 2,33 текс х 4 қават қилиб қўшилган ипларга нисбатан 3,15 мартага ошди ва оддий пишитилган ипларга нисбатан уларнинг афзаллиги яққол намоён бўлди.




13-расм. Табиий ипак ипларининг ишқаланишда тугун ҳосил бўлишига ва узилишга чидамлилигининг ип тузилишига боғлиқлиги



14-расм. Табиий ипак ипларининг кўп даврли чўзилиш деформациясига чидамлилигининг бурамлар сонига боғлиқлиги

Шундай қилиб, тўқишга тайёрланган кам бурам берилган табиий ипак ипларининг кўп даврли чўзилиш деформациясига чидамлилиги бўйича олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, иплар кўшилганда ва уларга бурам берилганда уларнинг кўп даврли чўзилиш деформациясига чидамлилиги ошади, айниқса мураккаб бурам берилганда, бунда ипнинг бурамлар сони қанча кўп бўлса чидамлик шунча юқори бўлади. Шунингдек, иплар сони қанча кўп бўлса ипнинг кўп даврли чўзилиш деформациясига чидамлилиги шунча юқори бўлади, бунда бурамлар сони ошган сари ипнинг чидамлилиги жадал ошади.

Табиий ипак танда ипдарини комплекс баҳолаш диаграммасидан (15-расм) крепдешин тўқимаси учун энг мақбул биринчи босқичда 300-400 бур/метр берилган мураккаб пиштилган вариант танлаб олинди.



15-расм. Табиий ипак танда ипдарини комплекс баҳолаш диаграммаси

Диссертациянинг «Табиий ипак ипларини тўқишга тайёрлаш ресурстежамкор технологиясини яратиш» деб номланган тўртинчи боби табиий ипак танда ва арқоқ ипларини тўқишга тайёрлаш ресурстежамкор технологияларини яратишга бағишланган. Унда гардиш ёнида қиялаб ўраганда ўрама зичлигини пишитув ўрамининг ўқи бўйлаб тақсимланишининг назарий боғлиқлиги олиш, қаватли эшиш тизимидаги машиналарда креп иплари ўрамининг сифати, ипак ипларининг узилиш кучи ва кўп даврли чўзилиш деформацияга чидамлилигининг регрессион математик модели, табиий ипак танда ипларини тўқишга тайёрлаш ресурстежамкор технологиясини яратиш бўйича тадқиқотлар келтирилган.

Ип йўғонлиги бўйича бир текис, ўрам чўлғамлари бир қатлам ичида ўрам баландлиги бўйлаб тенг тақсимланган ва бир хил ҳажмни эгаллайди деб қабул қилдик, ўрамнинг цилиндрик қисмида ўрам зичлиги ўрамнинг ўқи бўйлаб куйидагича деб аниқланди:

$$\gamma_i = \gamma_o, \text{ г/см}^3 \quad (1)$$

$0 \leq x_i \leq (0,5H - \ell)$ бўлганида, x_i -ўрама марказига нисбатан ўрганилаётган нуқтадаги ўрам баландлиги.

Қиялик зонасида ўрам зичлигини пишитув ўрамининг ўқи бўйлаб тақсимланишини аналитик боғлиқлиги олинди:

$$\gamma_i = \frac{\gamma_o(0,5H - x_i) \cdot \ell \cdot d_o^2}{[(0,5H - x_i)(d_o - d) + \ell \cdot d]^2}; \quad (2)$$

$(0,5H - \ell) < x_i \leq 0,5H$ бўлганда,

бу ерда: d_o - ўрамни цилиндрик қисмининг маълум бир нуқтасидаги ўрам диаметри; d - ўрама гардишидаги ўрам диаметри.

Қаватли пишитиш тизимидаги КЭ-145-ШЛ машинасининг ип ёйиш механизмини модернизация қилиш амалга оширилди. Синовлар давомида моқисиз дастгоҳларда 3.23 тех х 3 хом ипак креп иплари билан тўқиш жараёни таҳлил қилинди ва арқоқ ипи ўралган пишитув ўрамининг тўқиш жараёнидан қайтарилиши (жами 1856 та ғалтаклар синовдан ўтказилди) аниқланди.

Олинган маълумотлар пишитув ўрамасининг тузилиши ва сифати сезиларли яхшиланганлигини кўрсатди. Тўқиш жараёнидан пишитув ўрамининг қайтарилиши 1,75 мартага, «Ўрам чалкашликлари» нуқсони туфайли қайтариш эса 1,87 мартага, «Ўрам четида иплар чалкашиши «нуқсони туфайли қайтариш эса бутунлай бартараф қилинган аниқланди.

Оптималлаштиришда кўп омилли режалаштириш ёрдамида ГОТ 2³ тажрибаси ўтказилди. Оптималлаштириш параметрига таъсир этувчи омиллар, уларнинг вариация чегаралари 1- жадвалда келтирилган.

1– жадвал

Табий қийматдаги омиллар сатҳлари жадвали

Омиллар	Ўртача даражаси	Пастки даражаси	Юқори даражаси	Вариация оралиғи
X ₁ - Бурамлар сони, (бур/метр)	300	0	600	300
X ₂ -Қўшилган иплар сони, (та).	3	2	4	1
X ₃ -Иккинчи кўшиш-пишитишдаги бурамлар сони, (бур/метр)	100	0	200	100

Тажриба натижасида чиқувчи омиллар сифатида Y₁– Ипларни кўп даврли чўзилиш деформацисига чидамлилиги (цикл,давр) ва Y₂ –Ипларни узилиш кучи (сN)параметрлари қабул қилинди ва қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

$$Y_1 = 14411,6 + 6336,4x_1 + 5215,9x_2 + 2691,1x_3 + 3677,1x_1x_2 + 2279,4x_1x_3 + 587,1x_1x_2x_3 \quad (3)$$


$$Y_2 = 212,6 + 15,1x_1 + 60x_2 + 19,6x_3 - 13,8x_1x_2 + 10,9x_1x_3 - 15,6x_2x_3 \quad (4)$$

Олинган регрессия тенгламаларининг адекватлилиги Фишер мезонидан фойдаланиб аниқланди ($F_{RY1} = 0,05 < 4,49 = F\tau$, $F_{RY2} = 0,047 < 4,49 = F\tau$).

Ўтказилган тадқиқот натижаларидан янги технология бўйича олинган 2,33 текс 4 қават мураккаб пишитилган ((2,33x2)Zx2}S200)ипларда узилиш кучи, ишқаланишдаги парчаланишга, узилишга, тугун ҳосил бўлишига ва кўп

